МАДАНИЯТ ТАРИХИ

М. Рахманкулова

Ўрта Осиё муқовасозлиги тарихини ўрганишга оид манбалар

Қўлёзма китоблар жамоавий меҳнат маҳсули, уларни яратиш турли маданий марказлар орасидаги ижодий тажриба алмашишларга ҳамда анча олдин қўлланилган анъаналарга асосланган ҳолда амалга оширилган ягона жараён ҳисобланади. Бу жараёндаги муҳим мутахассислардан бири муқовасозлар ҳисобланади. Ўрта асрларда савдо илмини ўрганишга аҳд қилган киши дастлаб уларга шогирд тушган. Муқовасозлар ўз касбининг сир-асрорларини шогирдларига ўргатиб борган. Муқоваларнинг тайёрланиш технологияси ҳақидаги қўлланмаларга бўлган эҳтиёж, муқовасозликни батафсил ёритишга ҳаракат қилган ёки умумий маълумотлар билангина чекланиб қолган асарларнинг ёзилишига сабаб бўлган. Шарқда китобат қилинган асарлар муҳим тарихий манба сифатида қимматли бўлиши билан бирга, китоб ичидаги варақлар йўқолганда ҳам, муқовасининг ўзи Шарқ китобати намуналарининг тарихий, техник ва услубий қирраларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, Ўрта Осиё муқовасозлик тарихини тадқиқ этишда тарихнинг турли даврларида яратилиб, бугунги вақтгача етиб келган ва айни пайтда турли китоб хазиналарида сақланаётган муқовалар асосий манбани ташкил этади.

Китобни муқовалаш тарихи VII асрдан бошланиб, безаклари, келиб чиқиш манбалари турлича бўлган муқоваларда ифодаланган ўхшашлик уларни “ислом китоб муқовасозлиги” деб умумлаштириш имконини беради. Ислом китоб муқовасозлиги тарихи Мисрда христиан динига эътиқод қилган қибтийлардан бошланган. Қибтийлар дастлаб мусулмонларга хизмат қилиб, улар учун китоб тайёрлаган бўлса, кейинчалик бу технологияни уларга ўргатади. Қибт услуби таъсирида шаклланган ислом муқовасозлиги ўзигагина хос бўлган услуб асосида такомиллашиб боради. Муқова жилдидаги илк безаклар бўёқ билан чизилган, қибт қабртошлари ва матоларидан олинган оддий геометрик

шаклларни ифодалаган. Аста-секин қибт муқовалари безаклари технологияси такомиллашиб, жилднинг ички томони нафис кесилган безаклар билан безатилган. Туркий халқларга хос муқовасозлик санъати Шарқий Туркистон уйғурларига бориб тақалади. XX аср бошларида немис экспедицияси тадқиқотлари натижасида Этнология музейи (Museum für Völkerkunde) илмий ходими Альберт фон Ле Кок томонидан Хара Хото харобаларидан топилган VIII ва IX асрларга оид муқова бўлакларида ифодаланган геометрик шакллар чармни нафис кесиш орқали бажарилган ҳамда рангли, зарҳал чарм фон устида акс эттирилган. Муқова бўлаклари ҳар икки минтақа – Миср ва Шарқий Туркистонда нафис кесилган безак технологиясининг мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Уйғур туркларининг ислом динини қабул қилиши, муқовасозликнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Мусулмонлар ёзув ва китобни муқаддас деб ҳисоблагани, китобга бўлган талаб ижодкорнинг китобни муқовалашга ва безатишга бўлган қизиқишининг ортишига олиб келган. Уйғур туркларининг IX асрда Аббосийлардан бўлган халифа Муътасим Биллаҳ ҳимояси ва ҳомийлиги остида Тигр дарёси бўйида бунёд этилган Самара шаҳрига келиб ўрнашади ва бу санъатни ислом оламига кенг тарқатади, улар таъсирида Ироқ ва Хуросон шаҳарлари муқовасозлик санъатининг ривожланган марказларига айланади. Тулинидлар даврига (VIII–IX асрлар) оид Ислом муқоваларининг дастлабки намуналаридан бири катта ҳажмдаги (49,3x67 см) Қуръони карим муқоваси ҳисобланади. Ундаги геометрик безаклар қибт муқоваларига ўхшаш, ягона фарқи жилд асоси папирус картондан эмас, кедр дарахти ёғочидан ясалган, жилд фил суяклари, турли хил дарахт бўлаклари қадаб безатилган. Бугунги кунда ушбу муқова Берлинда Ислом санъати музейида (Museum fьr islamische Kunst) сақланади. Ибн ан- Надим (ваф. 987–988) “Китоб ал-Фиҳрист” асарида IX аср бошларида ал-Маъмун кутубхонасида Ибн Абулҳариш, Ғолиб ал-Маъмун Аббосий ва бошқа таниқли муқовасозлар ишлагани; тарихчи ал-Макризий (1364–1442) “Китоб ал-мавоиз ва-л-эътибор фи зикр ал-хитот ва-л-асар” (“Турар жой ва ёдгорликлар тўғрисидаги ҳикояларни ўқитиш ва ўргатиш китоби”) асарида Салоҳиддин Юсуф ибн Айюбдан (1138–1193) олдин Қоҳирадаги Фотимийлар (909–1171) кутубхонасида ҳашаматли муқовалар бўлганлигини, жанг вақтида улар турк аскарлари учун оёқ кийим вазифасини ўтагани ҳақида ёзишади [17: 103–104]. Миср ва Сурияда Мамлуклар ҳукмронлиги даврига (1250–1517) оид муқовалар ислом муқовасозлик санъатининг ўзига хос гўзал намуналарини ташкил этади. Мамлук муқоваларида дастлаб қибтларга хос геометрик безаклардан фойдаланилган, XIV асрдан бошлаб марказий медальон ва арабеска безакларини қўллаш анча кенг ёйилган. Рангли чарм фон устида

тасвирланган чармни кесиб ҳосил қилинган нафис гуллар, ўсимликлар ёки зарҳалланган геометрик безакларнинг қўлланилгани VIII–XVI аср Миср муқоваларининг характерли жиҳатини ифодалайди. Нафақат, Ўрта Осиё муқовасозлигининг, балки Шарқ халқлари китобат санъатининг ривожланган даври тарихи Темурийлар даврига бориб тақалади. Темурийлар даврида муқова безакларида янги услубларнинг пайдо бўлиши бутун Шарқ муқовасозлигининг кейинги ривожига ўз таъсирини кўрсатди. Темурийлар даврида бажарилган гўзал ҳуснихат, зарҳал ва рангли безакларга эга қўлёзма намуналарининг муқовалари бугунги кунда дунёнинг кўплаб китоб хазиналарида сақланади. Бу намуналар муқовасозлик санъатининг юксак давридан гувоҳлик беради.

Турли даврларда, турли Шарқ ўлкаларида яратилган манбаларда муқовасозликка оид маълумотларнинг бир хил ёки бир-бирига ўхшаш тарзда келтирилганлиги Шарқ муқовасозлик технологиясининг консерватив табиатга эга бўлганлигидан гувоҳлик беради ҳамда Шарқ муқовасозлигига оид ёзма манбалардан Ўрта Осиё муқовасозлик тарихини таҳлил этишда фойдаланиш учун имкон яратади. Шарқ китобат санъатига бағишланган Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Наҳҳос (ваф. 950) “Синоат ал-куттоб” (“Умдат ал-куттоб”), Абу Ҳилол ал-Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Аскарий (ваф. 1005) “Китоб ал-авоъил”, Тамим ибн ал-Муъиз ибн Бодис (ваф. 1061) “Умдат ал-куттоб ваъуддат дави ал-албоб”, Бадиуззамон Абулизз ибн Исмоил ибн ар-Разаз ал-Жазарий (1136–1206) “Фи маърифат ал-хийол ал-ҳандасия”, Бакр Иброҳим ал-Ишбилий (ваф. 1231) “Китоб ат-тайсир фи синоъат ат-тасвир”, Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Амулий (XIV аср) “Нафоис ал-фунун фи араъис ал-уйун”, “Арзадошт” ҳужжати, Дўст Муҳаммаднинг (ваф. 1560) Сафавийлардан бўлган Баҳром Мирзо учун (1517–1549) тайёрлаган альбоми, Мустафо Али (XVI аср) “Маноқиби ҳунарварон”, Абдурраҳмон ибн Абу Ҳамидаҳ (XV аср) “Тадбир ал-сафир фи синоъат ат-тасвир”, Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суфёнийнинг (ваф. 1619) “Синоъат тасвир ал-кутуб ва ҳол ад-даҳоб”, муаллифи номаълум “Рисола фи синоъат ал-ахбор ва-л-лийақ”, “Анвоъ ал-лийақ ва кайфийат аъмалиҳа” каби ёзма манбалар мавжудки, уларда муқовасозликнинг иккита алоҳида жиҳати – муқовасозлик жараёни ҳамда муқовасозликда ишлатиладиган материаллар тўғрисида маълумотлар берилган.

Муъиз ибн Бодиснинг “Умдат ал-куттоб ваъуддат дави ал-албоб” асари шарқ китобат санъати, айнан муқовасозлик амалиётига оид муҳим қўлланма эканлиги билан қимматли. Шимолий Африканинг Зирийлар сулоласи ҳукмдорларидан бўлган Ибн Бодис (1007–1061) Қайрувон (Тунис) яқинидаги Мансурия шаҳрида туғилган, 1016–1062 йилларда ҳокимиятни бошқарган.

“Умдат ал-куттоб” асари ўн икки бўлимдан иборат: “Қаламнинг аҳамияти ва ёзув”, “Қоракуя бўёқнинг тайёрланиши”, “Қора мози [1] бўёқнинг тайёрланиши”, “Рангли бўёқларнинг тайёрланиши”, “Локнинг тайёрланиши”, “Бўёқлар, ранглар аралашмаси ва уларни тайёрлаш”, “Олтин, кумуш, мис, қалай ва уларнинг ўрнини босувчилар билан ёзиш санъати”, “Ёзув сирлари”, “Қўлёзмалар, пергамент, қоғоз, боғлама китоблар ҳақида”, “Елим ва чиғаноқ, балиқ елими аралашмаси, олтин ва кумуш билан ишлашнинг қатъий қоидалари, жило бериш ва безаклар тавсифи, қилдан ясалган ёзув қуроллари ва олтинни ишлатишда фойдаланадиган асбоблар”, “Қоғоз ишлаб чиқариш, қалам билан ранг бериш, бўёқларнинг қоғозга сингиши, бўёқлари ва безаклари”, “Китобни чарм билан муқовалаш санъати ва муқовасоз томонидан иш давомида ишлатиладиган барча асбоб-ускуналар”. Келтирилган бўлимлар номларидан кўриниб турибдики, мазкур асар китобат санъатининг бадиий-техник жиҳатларини ўзида қамраб олган.

Асарнинг ўн иккинчи бўлими айнан муқовасозликка бағишланган. Унда дастлаб ишлатилган асбоб-ускуналарга қисқача тавсиф берилади. Сўнг китобга муқовани ўрнатиш жараёни ва унинг нозик жиҳатлари ёритилади; бўёқ тайёрлаш, қоғоз ва чармни бўёш, терини жунларидан тозалаш, чарм бўлакларидан елим тайёрлаш ҳақида маълумотлар келтиради. Муқова учун ишлатиладиган чарм яхши ошланган ва юмшатилган бўлиши учун куйдирувчи сифатида аччиқтош, бўёқ сифатида танин [2] ва темир аралашмаси, натрий ва калий карбонат аралашмаси ишлатилиши таъкидланган. Қоғозни бўяш учун берилган тавсияларда оддий ва ҳар доим ишлатилиб келинган усуллардан фойдаланилган. Ибн Бодис маълумотларида қоғоз тайёрлаш жараёнида аралашмага бўёқ қўшилмагани, қоғоз тайёр ҳолга келтирилгандан сўнг бўялганлиги кўрсатилган. Муаллиф асар охирида ишлатиладиган маҳсулотнинг ҳақиқий ёки қалбакилигини текширишга оид кўрсатмалар беради. Унгача берилган кўрсатмаларда асосан модданинг ҳиди, ранги, таъми ва бошқа физик хусусиятлари ёритилган бўлса, Ибн Бодис кимёвий жараёнларга эътибор қаратиб, асосан, олов ёрдамида, бундан ташқари, сув ва ҳавонинг таъсирида юз берадиган ўзгаришларга ҳам тўхталади. Асар матни чоп этилиб, инглиз ва форс тилларига таржима қилинган ҳамда китобат тарихига оид тадқиқотларда кенг фойдаланилган [14: 13–50].

[1] *мози* – ўсимлик баргида пайдо бўладиган ёнғоқча шаклидаги қатлам.

[2] *танин* – кўплаб ўсимликлар таркибида учрайди, ундан тери ошлашда, бўёқ тайёрлашда фойдаланилган.

Бакр ибн Иброҳим ибн ал-Мужоҳид ал-Лаҳми ал-Ишбилийнинг “Китоб ат-тайсир фи синоат ат-тасвир” асари Қуртубада Абу Юсуф Яъқуб ал-Мансур ҳукмдорлиги даврида (1184–1198) унга бағишлаб ёзилган. Бакр ал-Ишбилий адиб ва шоир бўлган, муқовасозлик билан тирикчилик қилган. Асарнинг бизгача етиб келган ягона нусхаси 1634 йилда кўчирилган ва тўлиқ ҳолатда эмас, қурт-қумурсқалар таъсирида шикастланган, муаллиф томонидан мундарижада кўрсатилган тасвирлар асар саҳифаларида келтирилмаган. Бундан ташқари, нусхани кўчиришда кўпгина хатоликларга йўл қўйилган. Шунга қарамасдан, ал-Ишбилийнинг бу асарида тавсифланган технология ва жараёнлар муқовасозликка оид бошқа манбаларда учрамаслиги, турли ҳолатларда ҳар хил сўз заҳираларидан фойдаланилганлиги билан қимматлидир. Масалан, муқова қопқоғига нисбатан “қулоқ” сўзидан фойдаланилган. Инсон аъзолари билан боғлиқ маъноларни берувчи бошқа кўплаб атамаларни ҳам учратиш мумкин: ёноқ – муқова жилди, ўзак тиш – ўзакка қўйиладиган таглик, умуртқа – китоб ўзаги, кўкрак – олд ён қопламаси ва қопқоқ, китобнинг юзи – муқованинг олд жилди.

“Китоб ат-тайсир” асбоб ускуналар; елим; дастани тикиш; ташқи кўриниш; дастани тартиблаш ва кесиш; шероза тикиш; ички жилд учун илмоқ; чармни кесиш; чарм билан қоплаш; чарм қопланган муқова билан ишлаш; қизил бўёқ тайёрлаш; муҳр билан безак тушириш; кетма-кетликни ҳосил қилиш; намуналар; қисиш учун нуқталар ва қисқич, дастак, қути тайёрлаш; асбоблар учун қути тайёрлаш; қайдлар, хотима; муқовасозликдаги камчиликлар деб аталган йигирма бобдан иборат.

Асарнинг жилдга муҳр асбоби воситасида безак тушириш (12-боб) ҳақидаги бобида келтирилишича, ўсимликсимон безаклардан иборат овалсимон медальон ал-Ишбилий даврида оммабоп бўлган ва уни безатишда зарҳал бўёқдан фойдаланилган. Асарда муқовасозлик технологиясига оид кўплаб маълумотлар берилган, бироқ ишлатилган техник атамаларнинг ҳаммаси ҳам тушунарли эмас, уларнинг кўпчилиги луғатларда учрамайди. Қўлланмада тасвирларнинг мавжуд эмаслиги, китобнинг сақланиш ҳолатидаги камчиликлар берилган маълумотларга танқидий ёндошишни талаб қилади. Асар матни чоп этилиб, форс тилига таржима қилинган ва тадқиқотларда ўрганилган [12: 106–113].

Темурийлар даврида муқовасозликнинг ривожида XIV–XV асрларда Самарқанд ва Ҳиротда ижод этган усталар ҳамда китобат санъатининг ривожланишига кенг имкониятлар яратган ҳукмдорлар муҳим роль ўйнади. Темурий ҳукмдорлар турли ўлкалардан таклиф қилинган китобат санъати усталарини ўз саройларида ташкил этилган кутубхоналарга жамлаганлар ва улар маҳаллий усталар билан биргаликда фаолият олиб боришган. Муқовасозларнинг устахоналари бозорларда ҳам жойлашган. Саҳҳофлар

дўкони китоб ва санъат ихлосмандлари тўпланадиган жой вазифасини ҳам ўтаган. Зайниддин Восифий бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Бир куни Самарқанднинг Атторлар бозорида бир тўда шоиру фозиллар билан Муллозода Мужаллид дўконида ўтирган эдик. Жилдланган китоб варақлари сингари бир-биримизга иноқлик, шерозаси билан боғланиб, бадиҳа ва мушоира суҳбатин ўртага қўйиб, самимий ва ҳушдил суҳбат майдонида мутойиба байроғин баланд қилиб ўтирган эдик. Ногоҳ бозорнинг бир тарафида ғулғула ва тўполон овози келди” [1: 43].

Темурийлар даври сарой кутубхонаси муқовасозлари тўғрисидаги бир қанча тарихий манбаларда маълумотлар келтирилган бўлиб, улардан энг қимматлиси, шубҳасиз, “Арзадошт” сарлавҳали ноёб тарихий ҳужжат ҳисобланади. У биринчи марта 1948 йилда профессор Заки Валидий Тўғон (1890–1670) томонидан аниқланган ва Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Топкапи сарой музейида сақланадиган “Жунги Яқубий” альбоми (MS Hazine 2153) саҳифалари орасида (f.98a) 46x13,5 см ўлчамдаги қоғозга сиёҳ билан ёзилган, 1976 йилда унинг матни таржима ва изоҳлари билан Туркияда чоп этилган [16: 471–518]. Шундан сўнг “Арзадошт” турли йилларда қатор хориж олимларини томонидан тадқиқотларда ўрганилган [7: 167, 179; 9: 59; 15: 160; 8: 323–328; 6: 14–24].

“Арзадошт” ҳужжати Бойсунғур мирзо сарой кутубхонаси ўзида китоб ишлаб чиқариш марказини ифодалаган муассасагина эмас, санъатнинг турли йўналишлари бўйича етук мутахассислар тўпланган сарой устахонаси эканлигини кўрсатиши билан ҳам қимматлидир. Унда усталар фақат бадиий қўлёзма яратиш билан шуғулланиб қолмасдан, турли-туман бадиий ҳунармандчилик маҳсулотларини яратишга жалб этилган. Ҳужжат кутубхона раҳбари Камолиддин Жаъфар Бойсунғурий томонидан тахминан, 1427–1431 йиллар оралиғида Бойсунғур мирзо учун тайёрланган расмий ҳисоботни ўзида ифодалаб, унда кутубхонада фаолият юритувчи 25 та ижодкор усталар тилга олинади. Хаттотлар – Мавлоно Шамс, Мавлоно Қутб, Мавлоно Саъдиддин, Мавлоно Муҳаммад ибн Мутаххар ва Жаъфар Бойсунғурий; мусаввирлар – Амир Халил ва Хўжа Ғиёсиддин Наққош; наққош, музаҳҳиб, лаввоҳлар – Мавлоно Али, Мавлоно Шиҳоб, Маҳмуд, Хўжа Ато, Ҳожи, Хитойи, Абдулсалом, устоз Сайфиддин, Хўжа Мир Ҳасан, Мир Шамсиддин ибн Хўжа Мир Ҳасан, Мавлоно Шамс, устоз Давлатхожа, Хожа Атой жадвалкаш; тарроҳлар – Хожа Абдурраҳим, Мир Давлатёр ҳамда саҳҳофлар – Мавлоно Қавомиддин, Ҳожи Маҳмуд, Хожа Маҳмудларнинг қилаётган ишлари ҳужжатда батафсил берилган. Ҳужжатда Бойсунғур мирзога муқовасозликка оид тўрт муҳим хабар маълум этилган: Мавлоно Қавомиддин “Шоҳнома” муқоваси учун ислимий безакларни бажариб

бўлди ва муқова жилдининг ажойиб тасвирини томоша қилиб завқланиш учун безак ораларини мўйқаламда тозалаб чиқди. Безакнинг орқа асосининг деярли учдан бир қисми бажарилди; орқа жилд, ўзак ва қопқоп уланилди ва тароқ чизилди; Ҳожи Маҳмуд қўлёзма муқовасининг ташқи томонини ва безаклар лойиҳасини тайёрлади, марказий безак чизиш билан шуғулланмоқда; Хожа Маҳмуд хаттот Хожа томонидан кўчирилган қўлёзма (“Расоил”) муқовасининг олд ва орқа жилдларини якунлади, ҳозир ўзак ва қопқоқ қисмларини бажариш билан банд; Хожа Абдурраҳим муқовасозлар, лаввоҳлар, қоплама тайёрловчилар учун нақшинкор безак лойиҳа тайёрлаш билан машғул. “Арзадошт” ҳужжатининг бошланиш қисми ўша даврга хос тарзда “бисмиллоҳ” билан бошланмагани ва ҳужжат якуни ҳужжат охири эканлигини кўрсатувчи жумлаларнинг йўқлиги унинг бизгача тўлиқ етиб келмаганлигидан гувоҳ беради. Бироқ, “Арзадошт” Темурийлар даври сарой китобат муассасалари фаолиятига оид бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотларни бериши билан ҳам қимматлидир.

XIV аср мусаввирларининг таржимаи ҳолини таърифлаган Дўст Муҳаммад Баҳром мирзо учун тайёрланган альбомда [11: 346] Бойсунғур мирзо Табризга келганлиги ва у ердан ўзи билан китобат санъати усталари Аҳмад Наққош, Хожа Али Мусаввир билан бирга муқовасоз уста Қавоммиддин Мужаллид Табризийларни Ҳиротга олиб келганлиги зикр этилган. Бундан ташқари, Бойсунғур мирзо усталарга Бағдоддаги Аҳмад Жалойир альбомидан (жунг) андоза олган ҳолда, энг яхши услубдаги альбом тайёрлашни буюргани, “мунаббат қари” – нафис кесма безак намуналари асосчиси муқовасоз уста Қавомиддин муқова устида ишлаш учун тайинлангани, Бойсунғур альбом охирига етмасдан вафот этиши ва ўғли Алоуддавла мирзо кўрсатмалари билан иш якунланганлиги тўғрисида ҳам маълумот берилаган.

Абдурраҳмон ибн Абу Ҳамидаҳнинг “Тадбир ас-сафир фи синоат ат-тасвир” асарининг ягона нусхаси Қоҳирада Дор ал-кутуб кутубхонасида сақланган. Қўлёзма нусхаси Марокашда Ҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ал-Факкун томонидан тахминан XIX асрнинг ўрталарида кўчирилган. Қўлёзма 10 саҳифада, кириш, тўрт боб, хотимадан иборат. Асарда муқовасозлар учун кўрсатмалар елим ҳақидаги бобдан бошланади. Муаллиф елимни уч турга ажратади: таркибида дағал сариқ маккажўхори уни, буғдой кепаги ва асфодель[1] кепаги бўлган елимлар. Иккинчи бўлим муқова жилдининг ички қисми ва асбоб-ускуналарга бағишланган. Унда муқова жилдининг ички қисми учун ишлатиладиган чармнинг юпқа бўлиши

[1]*асфодель*– ўсимлик (лат. Asphodelus).

зарурлиги, чармга фақат бир томондан елим сурилиши, жилдни матн блокига ўрнатиш, елимланган жилдни қуритиш каби жараёнлар ҳақида маълумот берилган. Учинчи бўлим китоб четини текислаб, кесиш, муқова жилдига мослаштириш, китоб дастасига шероза тикиш; тўртинчи бўлим чарм билан ишлаш жараёнига бағишланган. Бунда муаллиф муқовасознинг биринчи вазифаси муқова олд ён қопламаси ва қопқоқ ўлчамини мослаштириш деб ҳисоблайди. Жилд чарм билан қоплангандан сўнг унга муҳр билан безак тушириш, жилдга сурилган елимни қуритиш, китоб бурчакларини квадрат асбоб ёрдамида симметрик ҳолатга келтириш ҳақида ҳам маълумот берилади. Асар хотимасида ишлатиладиган ипнинг узунлиги ва қалинлиги эътиборга олиниши, ипак ип мустаҳкам ва икки хил рангдалиги, фақат шероза учун ишлатиладиган игнанинг боши қалин бўлиши, тарашлаш учун пичоқ ўткирлигини эътиборга олиш; дасталарни тикишда уларнинг биронтаси қолиб кетмаслиги учун ҳар бирини алоҳида папкаларда сақлаш, юқа чармни жилднинг ички қисми учун ишлатиш, чармни асбоб ёрдамида силлиқлаш, асбобларни қиздириш учун оловдан ва совитиш учун мумдан фойдаланиш, чангларни кичик латта бўлаги билан артиш лозимлиги ҳақида тавсиялар келтирилади. Асарнинг чоп этилган нашри, форс тилига таржималари мавжуд [13: 41–58].

Абдулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суфёнийнинг “Синоат тасвир ал-кутуб ва ҳол ад-даҳоб” («Муқовасозлик ва олтин билан ишлов бериш санъати») асари шарқ муқовасозлигига оид муҳим манбалардан бўлиб, муқаддима ва беш бобдан иборат. Биринчи боб чарм муқова учун ишлатиладиган қоғоз жилдни тайёрлаш жараёни, иккинчи боб китобнинг алоҳида дасталарини тикиб, бир-бирига улаш, исканжалаш, китобга муқова ўрнатиш, жилд асосига чарм қоплаш, жилднинг марказий қисмини безатиш, шероза ҳосил қилиш жараёнларига бағишланган. Учинчи бобда жилд асосига чарм қоплаш жараёни, тўртинчи бобда муқовасозликда олтин аралашмасидан фойдаланиш, бешинчи бобда чарм муқовани безатиш хусусида батафсил маълумот берилади. Асар матни чоп этилиб, инглиз тилига таржима қилинган [5: 51–55].

Юқорида келтирилган манбалардан ташқари муқовасозликда ишлатилган бўёқлар ҳақида фикр юритиш учун 1576–1602 йилларда Эронда Садиғбек Афшар (1533–1610,) томонидан яратилган “Қонун ас-сувар”, Абулфазл Тифлисий (XII аср) “Баён ас-саноат” ҳамда ЎзРФА Шарқшунослик институтида 415-рақам билан сақланадиган қўлёзма нусхасининг 182–185-варақларидан жой олган қоғоз бўяш усуллари ҳақидаги тожик тилидаги муаллифи номаълум рисолаларга, муқовасозликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ҳақида фикр юритиш учун анъанавий ҳунармандчилик ва савдога бағишланган 1850–1860

йилларга оид Кашмир қўлёзмасидан (India Office Library and Records of British library, London. Add. Or. 1700), Бобурийлар даврига оид альбомдан (Freer Gallery of Art, Smithsonian Institution, Washington. D.C., 54.116), XVII–XVIII асрга оид Шимолий Ҳиндистон муқовасози ва асбоблари ифодаланган қўлёзмадан (India Office Library and Records of British library, London. Add. Or. 1111) олинган тасвирлардан фойдаланиш имкони мавжуд [10: 22, 40, 45, 52].

Маълумки, XIX аср–XX аср бошларида Ўрта Осиёга келган сайёҳлар ва давлат вакиллари маҳаллий ҳаётнинг ўзига хосликларини, жумладан маҳаллий муқовасозликни ҳам диққат билан ўрганганлар. 1876 йилда очилган биринчи Туркистон музейининг экспозицияларидан бири маҳаллий муқовасозлик санъати намуналари намойишига бағишланган [3]. XIX аср охирида Тошкентнинг рус аҳоли яшайдиган қисмида муқовасозлик ишларининг юритилиши ҳақида В.Галянов статистик қайдлар келтиради [2: 177–205]. 1896 йилда нашр қилинган ўлкашунос Ю.О.Якубовскийнинг Самарқанд муқовасозлиги тўғрисидаги мақоласи Ўрта Осиё муқовасозлиги тарихини ўрганишда қимматли тадқиқотлардан бўлиб, муқовасозлик устахонасининг кўриниши, жиҳозлари, муқовалаш жараёни, ишлатиладиган материаллар, муқованинг нархлари ҳақида сўз юритилади [4: 63–64]. Ўша пайтда қўқонликлар энг яхши муқовасоз эканликлари, у ерда Самарқандда топиш қийин бўлган асбоб-ускуналар ясалганлиги ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Маълумки, тасвирий ёки амалий санъат асарларини яратиш ўз устаси олдига фақат бадиий гўзал намуна яратишни эмас, бунда ишлатиладиган материалларни, бадиий-техник воситаларни мукаммал ўзлаштиришни талаб этган. Шу сабабли усталар ўз ишининг устаси бўлиши учун қўлланиладиган материалларнинг сифатига ва уларни тайёрлашга оид билимларни тақозо этган. Муқовасозлик санъати соҳасида эришилган ютуқлар асрлар томонида турли соҳа мутахассислари ўзлаштирган билимларнинг амалиётда қўлланилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўрта Осиё муқовасозлик тарихини ўрганиш сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт тўғрисида билим бериши билан бирга, уни амалиётда қўллаш учун бугунги кун мутахассисига қўлланма вазифасини ўтайди. Бу ҳудудда яратилган муқовалар кўплаб тадқиқотларда ўрганилган бўлса-да, шарқшунос олимларнинг бу борадаги изланишлари тўхтаб қолгани йўқ, бу муқовалар ушбу санъатнинг олтин асридан, даврнинг ҳамда уларни яратган юқори малакали доиранинг юксак бадиий маънавиятидан, шунингдек, усталарнинг ажойиб ижодкор куч, мукаммал яратувчи бўлганлигидан далолат бериб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Восифий Зайниддин Маҳмуд. Бадоеъ ул-вақоеъ. / Форсийдан Наим Норқулов таржимаси. Тошкент, 1979.

2. Галянов В. Статистическая данные о кустарной, ремесленной, заводской и фабричной промышленности русской части города Ташкента / В кн.: Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинская области. Издание Сыр-Дарьинского областного Статистического комитета. Под редакцией и д. Секретаря Комитета И.И.Гейера. Ташкент, 1891. С. 177–205.

3. Туркестанские ведомости, 1876. №28.

4. Якубовский Ю.О. Переплетное ремесло у туземцев Самарканда // Справочная книжка Самаркандской области на 1896 г. Самарканд, 1896. Вып. IV. С. 63–64.

5. Abul Abbas Ahmed ibn Muhammed al Sufyani. Art of Bookbinding and of Gilding (Levey M. Mediaeval Arabic Bookmaking and Its Relation to Early Chemistry and Pharmacology) / The American Philosophical Society. Philadelphia: The American Philosophical Society, 1962, Vol.52. Part 4. P. 51–55.

6. Akimushkin O. The Library-Workshop (Kitabkhana) of Baysunghur Mirza in Herat // Manuscripta Orientalia. St.Petersburg, 1997. №3/1. P. 14–24.

7. Andrews P.A. The Tents of Timur: An examination of reports on the Qurultay at Samarkand, 1404 / Art of Eurasian Steppelands. Ed. Philip Denwood. Colloquies on Art and Archaeology in Asia, no. 7. London, 1977. P. 167–179.

8. Arzadasht / A Century of Princes: Sources on Timurid History and Art. Selected and translated by W.M. Thackston. Cambridge. Massachusetts, 1989. P. 323–328.

9. Aslanapa O. The arts of the bookbinding in Central Asia, 14th–16th centuries / The arts of the book in Central Asia in 14th-16th centuries. London, Paris, 1979. P. 58–91.

10. Bosch G., Carswell J., Petherbridge G. Islamic binding and bookmaking. Catalogue. Chicago, 1981.

11. Dost-Muhammad. Preface to the Bahram Mirza Album / A Century of Princes: Sources on Timurid History and Art. Selected and translated by W.M. Thackston. Cambridge, 1989. P. 335–350.

12. Gacek A. Arabic bookmaking and terminology as portrayed by Bakr al-Ishbili in his Kitab al-taysпr fi sinaat al-tasvir // Manuscripts of the Middle East. 1990–91. № V. P.106–113.

13. Gacek A. Ibn Abi Hamidah's didactic poem for bookbinders // Manuscripts of the Middle East. 1991. № VI. P. 41–58.

14. Ibn Badis Al-Mu'izz. Staff of the scribes and implements of the discerning with a description of the line, the pens, soot inks, llq, gall inks, dyeing,

and details of bookbinding. (Levey M. Mediaeval Arabic Bookmaking and Its Relation to Early Chemistry and Pharmacology) / The American Philosophical Society. Philadelphia: The American Philosophical Society, 1962, Vol. 52. Part 4. P. 13–50.

15. Lentz Thomas W., Lowry G. Timur and the Princely Vision. Persian Art and Culture in Fifteenth Century. Washington, Los Angeles, 1989.

16. Ozergin M.K. Temurli sanatina ait eski bir belge: Tebrizli Ja'far'in bir Arzi // Sanat Tarihi Yilligi, 1976. №VI. P. 471–518.

17. Pedersen J. The Arabic Book. Translated by Geoffrey French. Princeton, 1984.

М. Рахманкулова

Ўрта Осиёда муқовасозлик тарихини ўрганишга оид тарихий манбалар хусусида

Мақола Ўрта Осиёда муқовасозлик тарихини ўрганишга бағишланган. Мавзуни ўрганишнинг манбавий асослари қўлёзма китобларнинг муқовалари, манбалар ва тадқиқотлар каби турларга ажратилган. Хориж олимларининг тадқиқотлариа Темурийлар даври Шарқ муқовасозлигининг энг ривожланган даври сифатида келтирилган.

Калит сўзлар. *Муқовалар, тарихий манбалар, муқовасозлик технологияси бўйича манбалар, темурийлар даврида муқовасозлик, сўнгги ўрта асрларда муқовасозлик.*

М. Рахманкулова

Об исторических источниках по изучению истории среднеазиатского переплетного дела

Статья описывает историографию изучения истории среднеазиатского переплетного дела, которые разделены на переплеты рукописных книг, исторические источники и исследования. Исследования зарубежных учёных показывает, что эпоха Темуридов самый развитый период восточного переплётного дела.

Ключевые слова. *Переплёты, исторические источники, источники по технологии переплётов, переплётного дело эпохи Тимуридов, позднейшие среднеазиатские переплеты.*

M. Rakhmankulova

On historical sources on the study of the history of bookbinding in Central Asian

The article is devoted to study of the history of art of bookbinding in Central Asia. Studying the theme is based on manuscript's bookcovers, sources and researches. According to the result of foreign scientists' researches the epoch of Temurid's are known as the most flourishing period of eastern bookbinding.

Key words: *Bookbindings, historical sources, sources on the technology of bindings, bookbinding in the Epoch of Timurids, later Central Asian bindings.*

Д. Расулова

Франция шарқшунослик мактабларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (XVI–XX аср бошларида)

Шарқ ҳудудларини ўрганиш учун Епропада шаклланган ўзига хос фан, яъни Ориенталистика (Шарқшунослик) Осиё ҳамда Шимолий Африка халқлари ва мамлакатларининг тарихи, тили, адабиёти, санъати, дини, менталитети, фалсафаси, ижтимоий ҳаёти, иқтисодиётини ўрганувчи комплекс илмий фанлар мажмуаси бўлиб ҳисобланади [19]. Французлар ушбу илмий жараёнда яъни жаҳон ориенталистикасининг пайдо бўлиши ва ривожида Ғарбдаги шарқшунослик тадқиқот марказлари орасида биринчи ўринни эгаллайди [6: 113].

XVI–XVII асрлардаёқ Шарқ халқлари тарихи, географияси ва миллий давлатчилик асослари ҳақида тизимли манба йиғиш эҳтиёжи Франциядаги дастлабки шарқшунослик мактаблари пайдо бўлишига асос бўлди. Мазкур мактабларда Шарқ мамлакатларининг тарихи ва маданияти билан яқиндан таниш бўлган, шарқ тилларини чуқур ўзлаштирган, тадқиқот олиб боришга лаёқатли, юқори малакали сиёсий кадр ҳамда илмий мутахассислар (дипломат, консул, элчи, олим, тадқиқотчи, полиглот-кўп тилларни билувчи киши, педагог, ношир, кутубхоначи, музейшунос) тайёрланган.

Айни пайтда, турли олий ўқув юртлари қошидаги факультетларда ҳам шарқшунослик соҳасида таълим берилган. Ушбу марказларнинг ҳар бири ўзига хос методологияга эга бўлиб, уларнинг асрлар давомидаги фаолиятида бир неча маротаба қайта тузилиш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Айримларининг номланиши ва структураси ўзгарган ҳолда, фаолияти бугунги кунгача давом этиб келмоқда.